

## **«MIROBOD DEHQON BOZORI» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ**

2016 йил 12 апрел

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2015 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Миробод тумани Нукус кўчаси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2016 йил 12 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1264181 овозга эга 22 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 97.05 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 9602 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида “Тошбозорсавдо” уюшмаси бўлими бошлиғи Камолов Толмас Каримович қатнашди.

### ***Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Камолов Т.К. – “Тошбозорсавдо” уюшмаси бўлим бошлиғи  
Абдурахмонов О.А.- Жамият кузатув кенгаши аъзоси  
Отабоев У.Т. – «Миробод дехқон бозори» АЖ директори.

### ***Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:***

Чинибаева З.

### ***Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:***

Мирасулов А., Бурхонова М, Араббаева М

Йиғилишга Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида “Тошбозорсавдо” уюшмаси бўлими бошлиғи Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

### **Йиғилиш кун тартиби:**

1. «Mirobod dehqon bozori» АЖнинг 2015 йил фаолияти якуни юзасидан жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.
2. Жамиятнинг 2015 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.
4. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи.
6. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
7. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг директори билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш.
9. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
10. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
11. Жамият Уставига ўзгартириш киритиш.
12. “Умумий йиғилиши ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш.
13. “Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш.
14. “Ижроия орган ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш.

15. “Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш.
16. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарори ҳамда 2016 йил 22 мартдаги 216-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш.
18. Жамиятда “Корпоратив бошқарув Кодекси”га риоя қилишни тасдиқлаш.
19. Жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш.
20. Жамиятнинг узоқ муддатга ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:  
Асосий масалаларга 10 минутгача.  
Сўзга чикувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори У.Т.Отабоевнинг хисоботи тингланди. Жамият директори ўз хисоботида 2015 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, 2016 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида хисобот берди, жумладан жамият томонидан, 2015 йил якуни бўйича «Бизнес режага» мувофиқ тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидаги 3781250.0 минг.сўм жами даромад режасини 3885706.2 минг.сўмга ёки 102%га бажарилгани, жумладан, даромад манбалари бўйича: жой ҳақи режаси 1024050.0 минг. сўм бўлган ҳолда, амалда 1050445.7 минг. сўм этиб ёки 102,5%га бажарилгани, хизмат ҳақи режаси 387000.0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 402095.6 минг.сўм даромад олиниб, режа 102 %га бажарилгани, Жамиятнинг 2015 йилга режалаштирилган харажатлар режаси 1358500.0 минг.сум, амалда 1499461.1 минг.сум, режага нисбатан 140961.1 минг сум кўп харажат килинганлиги, Соф фойда режаси 243038.6 минг. сум, амалда 111027.5 минг. сум, режага нисбатан -132011.1 минг сумга кам бажарилганлиги Миробод ТЭТК ходимлари томонидан электр хисоблагичлар ва хисоботлар кўриқдан ўтказилганида жамият бош энергетиги Д.Абидов томонидан берилган хисоботларда 2 та электр хисоблагични камайтириб кўрсатилганлиги боис электр энергияси учун катта миқдорда қарздорлик вужудга келиб, “Миробод дехқон бозори” АЖ ни электр тармоғидан узиб қўйилмаслигини хисобга олиб ушбу маблағ тўланганлиги, бу ҳолат жамиятнинг смета ҳужжатларидаги харажатлар қисмини ошиб кетишига ҳамда Соф фойда режасини бажарилмай қолишига асосий сабаб бўлганлигини маълум қилди.

Жами даромад режага нисбатан ошгани сабабли, даромадга боғлиқ мажбурий ажратмалар ҳам режага нисбатан кўп ажратилгани, жумладан давлат бюджетига 50% ажратма режадаги 1772343.1 минг сўм ўрнига, амалда 1822743.7 минг.сўм ёки 50400.6 минг.сўмга кўп ажратилгани, давлат мақсадли жамғармаларига 3,5% мажбурий ажратмалар (пенсия, йўл, мактаб фондларига) режадаги 132343.7 минг.сўм ўрнига 135999.7 минг.сўм ёки 3656.0 минг .сўмга кўп ажратилгани, автотураргоҳ фаолиятдан қатъий белгиланган солиқ ва йиғим миқдори 122188.8 минг .сўмни ташкил этганини маълум қилди.

(хисобот тўлалигича илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «FTF AUDIT» МЧЖнинг 2015 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви ҳулосасини жамият бош хисобчиси Худаярова М.А. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва ҳўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия хисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақидаги 2016 йил 28

мартдаги 16-003-сонли ижобий хулоса берилгани хақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси Абдуллаева Г. Йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош хисобчиси Худаярова М.А. йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори "FTF AUDIT" МЧЖнинг 2016 йил 28 мартдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Худаярова М.А.сўзга чиқиб, жамиятнинг 2015 йил якуний баланси хақида юзасидан тўлиқ хисобот берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича йиғилиш раиси Камолов Т.К. сўзга чиқиб, хисобот йилидаги Кузатув Кенгашининг фаолияти бўйича хисобот берди. Жумладан, Кенгаш томонидан 2015 йил учун тасдиқланган «Бизнес-режа»нинг жамият ижроия органи томонидан бажарилиши тахлил қилиб борилгани, шу билан бирга жамият ижроия органининг хар чоракда хисоботлари тингланиб, мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш ишларини жадаллаштириш, бу каби қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметаси кўрсаткичларини бажариш, белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймасликка доир масалалар кўрилгани ҳамда Хукуматимиз томонидан қабул қилинган фармон, қарор ва фармойишларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилгани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорига мувофиқ қўшимча эмиссия акциялари чиқарилиши қарори қабул қилиниб, номинал қиймати 890 сўм бўлган 1147665 дона акция биржадан ташқари эркин савдоларга чиқарилгани, жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишларини ўтказиш масалалари кўриб чиқилгани, хар чорак якуни бўйича жамият Тафтиш комиссиясининг жамиятда афилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаси тинглаб борилгани хақида хисобот берди. (жамият Кузатув Кенгаши хисоботи илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош мухосиби Худаярова М.А.сўзга чиқиб, жамиятда 2015 йил учун тасдиқланган даромадлар режаси кўрсаткичлари ошириб бажарилган, шу жумладан режа 3781250.0 минг .сўм бўлгани, амалда 3885706.2 минг.сўм даромад олингани, жами харажатлар режаси 1358500.0 минг сўмни бўлиб, амалда 1499461.1 минг сўмни ташкил этгани, режага нисбатан 140961.1 минг.сўмга кўп сарфлангани, шу сабабли, жамият режадаги 243038.6 минг.сўм соф фойда ўрнига 111027.5 минг .сўм соф фойда кўрганлигини жамиятнинг

бугунги кундаги молиявий ахволини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.03.2016 йилдаги 216-Ф сонли фармойишига асосан жамият худудида йирик хажмда қайта қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича 111027.5 минг сўм соф фойдасидан 7027.5 минг сўм захира жамғармасига ва қолган 104000.0 минг сўм акцияларни номинал қийматини ошириш йўли билан устав фонд оширишга ажратиш таклифини киритишни маълум қилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича жамият директори Отабев У.Т. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2016 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, бизнес-режасидаги 2016 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (“Бизнес-режаси” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича раислик қилувчи жамият акциядорларининг 2016 йил 06 апрелдаги навбатдаги умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори Отабев Уктам Турғуналиевич билан бир йилга шартнома тузилганини маълум қилиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ, жамият Кузатув кенгашининг Отабев У.Т. билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш мумкинлиги юзасидан хулосаси мавжудлигини билдирди ва йиғилиш қатнашчиларини ушбу хулоса билан таништирди.

Кун тартибидаги масала юзасидан савол-жавоблардан сўнг жамият директори Отабев Уктам Турғуналиевич билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини бир йилга узайтириш масаласи бўйича акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, 2016 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **ўнинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича жамият директори У.Отабев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори, 2015 йил 21 декабрдаги ПФ-2454-сонли қарори фармони, ҳамда 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инobatга олиб, жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала бўйича жамият директори У.Отабев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Умумий йиғилиши ҳақидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала бўйича жамият директори У.Отабев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала бўйича жамият директори У.Отабев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Ижроия орган ҳақидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала бўйича жамият директори У.Отабев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарорига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилгани муносабати билан, “Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низом”га тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф тайёрланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн олтинчи** масала бўйича жамият ходимлар бош нозири С.Джуманова сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш зарурати юзага келгани, эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инobatга олган ҳолда, жамиятни бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш мақсадида, жамият ташкилий тузилмасини қайта тасдиқлаш юзасидан таклиф тайёрланиб, кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланганлигини маълум қилди ва жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн еттинчи** масала бўйича жамият директори У.Отабоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги “Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларини қуриш, қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш лойihalарини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 366-сонли қарорига ҳамда Тошкент шаҳар хокимининг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарорининг ижроси ҳақида”ги 1116-сонли қарорига мувофиқ бир қатор бозорларда, шу жумладан “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ ҳудудида 3,5млрд.сўмлик қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши белгилангани, ушбу мақсадларда “Тошбозорсавдо” уюшмаси томонидан кредит маблағлари олинishi, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловаси киритилган деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари томонидан қўшимча чиқарилган акцияларни сотилишини ташкиллаштириш, ҳамда акцияларни сотишдан тушган маблағларни, кейинчалик уларнинг бошқарув органлари қарорларига мувофиқ тегишли деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари устав капиталига улуш сифатида киритилиши белгиланганлиги, акциялар сотилишидан тушадиган маблағлар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш департаментининг Халқ банкида очиладиган махсус ҳисоб рақамида жамланиб, кредитнинг қайтарилишига йўналтирилиши белгиланган”лигини айтиб ўтди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида СХКСХИМИЧ Департаменти 2016 йил 24 февралда 327-сонли хат билан махсус ҳисоб рақамини маълум қилган ҳолда, акцияларни сотишдан тушган маблағларни ушбу ҳисоб рақамига йўналтирилишини таъминлашни сўраганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 мартдаги 216-ф-сонли фармойишига мувофиқ қайта таъмирлаб, ободонлаштириладиган қўшимча бозорлар рўйхати қайд этилиб, СХКСХИМИЧ Департаменти томонидан махсус ҳисоб рақамида деҳқон бозорлари акцияларини сотишдан йиғилган маблағларни ушбу лойихани молиялаштириш учун йўналтириш белгиланганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, Тошкент шаҳар хокимияти улушини 51 фоизга етказиш мақсадида, “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖда 2015 йил 16 июнда номинал қиймати 1200сўм бўлган 666004-дона қўшимча эмиссия акциялари чиқариш рўйхатдан ўтказилгани, 2016 йил 1 апрел кунига қадар “EL SIS-SAVDO” АЖ очиқ савдолари орқали акциялар баҳолаш қиймати 20385 сўмдан 2513-донаси сотилгани, 2016 йил 29 июнга қадар жами чиқарилган акцияларнинг 30 фоизи сотилмаган тақдирда, акциялар қўшимча чиқарилуви жойлашмаган ҳисобланиши ва акцияларни сотишдан тушган маблағлар 10 кун муддатда эгаларига қайтарилиши белгилангани, қўшимча чиқарилган акцияларнинг 30 фоизи сотилган тақдирда қўшимча чиқарилув жойлашган ҳисобланиши, акцияларни сотишдан тушган маблағларни СХКСХИМИЧ Департаменти ҳисоб рақамига ўтказиш жараёнида ушбу маблағ миқдори жамият соф активларининг 50 фоизидан ошса ушбу маблағларни ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни”га мувофиқ йирик битим ҳисоблаб, ушбу масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори қақирган ҳолда ҳал этилиши шартлигини таъкидлаб ўтди. Ҳозирги кунда сотилган акциялар миқдори камлиги сабабли, навбатдан ташқари умумий йиғилиш қақирлишига зарурияти йуқлиги, агар, сотилган акциялар келтириб ўтилганидек, жамият соф активларининг 50%дан ортикни ташкил этганда, ушбу маблағларни ўтказиш учун умумий йиғилиш рухсатини олиш зарурлиги билдирилди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн саккизинчи** масала бўйича жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси А.Мирасулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 11 март куни оммавий ахборот воситаларида акциядорлик жамиятларида “Корпоратив бошқарув кодекси”ни жорий этиш юзасидан тавсиялар чиққанини маълум қилиб, жамият фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун унинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, жамиятни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида жамият ижроия органи томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” лойихаси тайёрлангани, хужжат лойихаси жамият кузатув кенгаши томонидан 2016 йил 22 мартдаги мажлисда кўриб чиқиб, тасдиқлангани, “Корпоратив бошқарув кодекси”га амал қилиш масаласи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгиланганлигини маълум қилиди ва “Корпоратив бошқарув кодекси” билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. (жамият “Корпоратив бошқарув кодекси” илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўққизинчи** масала бўйича жамият директори У.Т.Отабоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарорининг 8-бандида “- *корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш*” вазифалари белгилангани, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарори билан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилиб, жамият акциядорлари умумий йиғилишига жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, ҳамда ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш юклатилганини инобатга олиб, “Жамиятни ўрта муддатга ривожлантириш стратегияси” лойихаси ишлаб чиқилгани, ушбу стратегия уч йил муддатга мўлжалланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган хужжат лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **йигирманчи** масала бўйича жамият директори У.Т.Отабоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли қарорининг 8-бандида “- *корпоратив бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш бўйича тавсиялар, жумладан, узоқ муддатли истиқболда ривожланиш стратегияси ва вазифалари, ички назорат тизимлари ва ижро органининг акциядорлар ҳамда инвесторлар билан самарали ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш*” вазифалари белгилангани, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-396-сонли қарори билан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилиб, жамият акциядорлари умумий йиғилишига жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари

белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, ҳамда ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш юклатилганини инобатга олиб, “Жамиятни узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси” лойихаси ишлаб чиқилгани, ушбу стратегия беш йил муддатга мўлжалланганини маълум қилди ва йиғилиш иштирокчиларини киритилаётган ҳужжат лойихаси билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<p><b>1-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>2-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>3-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>4-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>5-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>6-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>7-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>8-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>10-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>9-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Абдурахмонов Олим абдуаҳадович 1264181 та овоз</li> <li>Ҳақимов Рауф Арипович 1264181 та овоз</li> <li>Саидахмедов Оқил Акбарович 1264181 та овоз</li> <li>Маликов Отабек Абдувахобович 1264181 та овоз</li> <li>Камолов Толмас Каримович 1264181 та овоз</li> </ol>		
<p><b>11-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>12-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>13-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>14-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>15-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>16-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>17-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>18-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>	<p><b>19-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>
<p><b>20-масала</b>  <b>Ёқлаган 1264181 – 100%</b>  Бетараф 0 – 0,0%  Қарши 0 – 0,0%</p>		



Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### **КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. «Mirobod dehqon bozori» АЖнинг 2015 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг хисоботи тасдиқлансин ва унинг фаолиятига қониқарли баҳо берилсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «FTF AUDIT» МЧЖнинг 2016 йил 28 мартдаги 16-003-сонли ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2015 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

4. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича йиллик хисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

5. Жамият Кузатув Кенгашининг 2015 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича кўрилган 111027.5 минг сўм соф фойда хисобварағи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 22.03.2016 йилдаги 216-Ф сонли фармойишига асосан жамият ҳудудида йирик хажмда қайта қуриш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли маблағ танқислиги юзага келганлиги инobatга олиниб, жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича 111027.5 минг сўм соф фойдасидан 7027.5 минг сўм захира жамғармасига ва қолган 104000.0 минг сўм жамият устав фондини оширишга йўналтирилсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

7. Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори (У.Т.Отабоев)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

8. Жамият директори Отабоев Уктам Турғуналиевич билан тузилган шартнома муддати акциядорларнинг 2016 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар узайтирилсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

9.1. Абдурахмонов Олим Абдураходович	1264181 - та овоз
9.2. Ҳакимов Рауф Арипович	1264181 - та овоз
9.3. Саидахмедов Оқил Акбарович	1264181 - та овоз
9.4. Маликов Отабек Абдувахобович	1264181 - та овоз
9.5. Камолов Толмас Каримович	1264181 - та овоз

10. Жамият Тафтиш комиссиясига Эрназарова Зебинисо Ортиқовна, Сулаймонова Хабиба Муратовна, Нажимов Муҳиддин Хусниддиновичлар сайлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

11. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

12. “Умумий йиғилиши ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

13. “Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

14. “Ижроия орган ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

15. “Тафтиш комиссияси ҳақидаги Низом”га ўзгартириш киритиш иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

16. Жамиятнинг “Ташкилий тузилмаси” (янги тахрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарори ва 2016 йил 22 мартдаги 216-ф-сонли фармойишида жамиятда қўшимча чиқарилган акциялар сотилишидан тушадиган пул маблағларини СХКСХИМИЧ Департаменти махсус ҳисоб рақамига йўналтирилиши ва кейинчалик ушбу пул маблағлари ҳисобига бошқа жамиятларнинг акциялари расмийлаштирилиши белгиланганлиги инобатга олинсин ва тасдиқлансин. Акциялар сотилишидан тушадиган пул маблағларини ўтказиш жараёнида йирик битим ҳолати юзага келганда, йирик битимни Қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда ушбу вазифани бажарилиши белгилаб қуйилсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

18. Жамиятнинг “Корпоратив бошқарув Кодекси” иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унга риоя қилиш тасдиқлансин. “Корпоратив бошқарув кодекси”га илова тариқасида ишлаб чиқиладиган низом ва йўриқномаларни тасдиқлаш ҳуқуқи жамият Кузатув кенгашига берилсин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

19. “Жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг стратегияси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

20. “Жамиятнинг узоқ муддатга ривожлантиришнинг стратегияси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 1264181 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

20. Жамият директори У.Т.Отабоевга жамият Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш чораларини кўрсин.

Баённома имзоланган сана: «22» апрел 2016 йил.

Йиғилиш раиси

Котиб



Т.К.Камолов

З.Чинибаева